



■ ДЕПУТАТ БИЛАН СУХБАТ

Давлат бюджети ижроси

устидан парламент
назоратини
кучайтириш долзарб
аҳамиятга эга

ХАБАРИНГИЗ БОР, ШУ
ЙИЛНИНГ 11 НОЯБРЬ КУНИ ОЛИЙ
МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИНING НАВБАТДАГИ
МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. ШУ
КУНИ ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING 2016
ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА
ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ
ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИ,
ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ
СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИХАЛАРИНИ
КЎРИБ ЧИҚИБ, ТАСДИҚЛАШДИ.

Таъкидлаш жоизки, Давлат бюджетининг қабул қилиниши, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар, янгиликларга мамлакатимиз жамоатчилигининг эътибори, қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда ва бу табиий жараёндир. Бугун одамлар солиқ имтиёзи ва энгилликларининг бевосита даромадига таъсирини сезмоқда, Давлат бюджетидан салмоқли маблағлар таълим-тарбия масканларида билим олиш шароити ва имкониятларини яхшилаш, жойларда тиббий хизмат сифатини ошириш каби муҳим ишларга йўналтирилаётганини мамнуният билан қабул қилмоқда, айни пайтда ушбу маблағларнинг қай даражада самарали сарфланаётгани билан қизиқмоқда.

► Давоми 2-бетда.

■ 18 НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан Давлат байроғи қабул қилинган кунга бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Унда партияимиз ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ёшлар ҳамда электрот вакиллари иштирок этди.

Мустақиллигимиз тимсоли

Тадбирда сўзга чиққанлар Давлатимиз рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиши, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога гуруҳ, фахр-ифтихор бағишлашини алоҳида таъкидлашди.

— Байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда, мадҳиямиз янграганда, ҳар биримиз руҳан жўшқинлини, азму-шижоатимиз ошганини, қалбимизда гуруҳ ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз, — дейди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олим Равшанов**. — Давлатимиз байроғидаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз

тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этади.

Тадбирда ёшларнинг Давлат рамзлари ҳақидаги билимлари синондан ўтказилди. Депутатлар мазмун-моҳияти хусусида ёшларга тушунча беришди. Давлат байроғидан фахрланиш ва унга ҳурмат кўрсатиш ҳар бир фуқаро учун юксак шараф экани алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ ёшларга Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Музаффар ТУРОПОВ

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишларида мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

«Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун

ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

► Давоми 2-бетда.

Шу йилнинг 9 ойида ЎзХДП Қашқадарё вилоят ҳудудий кенгашларидаги Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 479 мурожаат бўлган. Уларнинг ҳозиргача 80 фоизга яқини ижобий ҳал этилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳларида 13 масала, доимий комиссияларда 10 масала кўриб чиқилди, 7 масала эса сессияга киритилди.

■ КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Инсонпарварлик ғояларига садоқат намунаси

Ўзбекистонда 2008 йилдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамият томонидан инсон қадр-қимматини улуглаш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида муҳим воқеа сифатида эътироф этилди.

3

■ ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ

Магистраль йўллари ёритишга мўлжалланган

шамол генератори

Мамлакатимизда муқобил энергия манбалари, яъни кўёш, шамол, биогаз каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети талабаси Сарвар Усмоналиев магистраль йўллардаги ёритиш чирокларини электр энергия билан таъминлашга мўлжалланган қурилма яратди. Бу қурилма шамол ёрдамида ишлайди ва шамол генератори, деб номланади.

Генератор асосан автомобиллар серкаторов бўлган йўллар четига, ер сатҳидан 4-5 метр баландликка ўрнатилади. Машиналар қатновидан ҳосил бўлаётган шамол қурилманинг ишлашига ва электр энергия ишлаб чиқишига туртки беради.

— Бу лойиҳа билан «Юрт келажиги — 2015» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби бўлдим, — дейди Сарвар Усмоналиев. — Ҳозирги кунда «Магистраль йўлларда электр ёритиш қурилмаларини электр энергия билан таъминлаб берувчи



муқобил энергия манбаси» деб номланган лойиҳамни янада такомиллаштириш устида ишляпман.

Шухрат ИСЛОМОВ

Янгиликлар,
Бунёдкорликлар,
Хабарлар...

Фаол маънавият тарғиботчиси аниқланди

Самарқанд шаҳрида «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Бу ҳақда Самарқанд вилоят ҳокимияти матбуот хизмати хабар бермоқда.

Танловда шаҳар ва туман босқичи ғолибларининг билим ва маҳорати синондан ўтказилди.

Яқиний натижаларга кўра, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бош мутахассиси Фароғат Шокирова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ўқув машғулоти ўтказилди

Бухоро шаҳрида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси, ички ишлар бошқармаси ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар томонидан ҳарбий-тактик, дала ўқув машғулоти ўтказилди. Бу ҳақда Бухоро вилоят ҳокимияти матбуот хизмати хабар бермоқда.

Табиий ва техноген ҳамда акцидентлар хусусиятлари фавқулодда вазиятлар чоғида жанговар-тактик кўникмани шакллантириш мақсадида ташкил этилган ўқув машғулотида осойишталик посбонлари ўз маҳоратларини яна бир бор синондан ўтказишди.

Брикет ишлаб чиқариш кенгаймоқда

Наманган вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг республикада кўмир брикетлари ишлаб чиқариш ва сотишни комплекс ташкил этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги қарори асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа вақт ичида Наманган вилоятида кўмир брикети ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, «Жаҳон металл сервис» масъулияти чекланган жамиятида хориждан келтирилган ускуналар ёрдамида кунига 100 тоннага яқин брикет ишлаб чиқарилиб, буюртмачилар ва аҳолига етказиб берилмоқда.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ
тайёрлади.

Самарқанд

Бухоро

Наманган

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Партия ташкилотлари ва депутатлар

электрот вакиллари манфаатини ҳимоя этишда мустаҳкам ҳамкорликда курашиши лозим



ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш» лойиҳаси қандай амалга оширилмоқда?

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишларида мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Божхона кодексининг янги тахрирдаги лойиҳаси ҳам муҳокама қилинмоқда.

Қайд этилдики, қонун лойиҳаси орқали амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан, «Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги, «Энергиядан оқилонга фойдаланиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»-ги, «Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида»-ги бир қатор қонунларга, шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш киритиш назарда тутилмоқда.

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги тахрирдаги Божхона кодекси лойиҳаси ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари ўртасидаги қарама-қаршиликларни бартараф этиш имконини беради.

Масалан, «Махсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги Қонун талабларига асосан, миллий ёки «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тан олинган ўзга давлатларнинг мувофиқлик сертификатлари

ва мувофиқлик белгилари божхона юк декларацияси билан бирга ариза(етказиб берувчи) томонидан божхона органига тақдим этилади ва ушбу ҳужжатлар махсулотни тегишли божхона режимига жойлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Олиб қилиётган товарнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжат мавжуд бўлмаганда, то мувофиқлик сертификати олинмагунча ёки чет эл сертификати миллий сертификатлаш қондалари асосида тан олинмагунча қадар божхона органлари бундай товарларни тегишли божхона режимига жойлаш-

Давлат органларининг ахборот маълумотлар базаларини шакллантириш, давлат бошқарув тизимида «ягона ойна» принципини жорий қилиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат тизимидан фойдаланиш имконини беради. Шу жиҳатдан олиб қарасак, қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бетда.



Сенатор ШОТУЛАНОВ олган суратлар.

тиришга йўл қўймайдилар.

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси лойиҳасига асосан, божхона иши Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати томонидан амалга оширилади.

Депутатлар, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонунни лойиҳасини ҳам биринчи ўқишда қўриб чиқишди. Қонун лойиҳаси асосида Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Бунёд ЭШОНҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Мазкур қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 мартдаги «Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида мавзёлар бўйича замонавий қўп қаватли уйлар қуриш тўғрисида»-ги қарори ижроси бўйича ишлаб чиқилган.

Унда тақлиф этилаётган қўшимчанинг қабул қилиниши тегишли таққ ва чеклашлар ўрнатилган ҳудудларда шаҳарсозлик фаолиятининг тартибга солинишига ва шаҳарсозлик қонун ҳужжатларига риоя этилиши бўйича масъулият кучайишига хизмат қилади.

Бу борадаги ноқонуний ҳаракатларга нисбатан жиноий жавобгарлик маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг келиб чиқishi тартиби тақлиф қилинмоқда.

Тегишли таққ (чеклашлар) ўрнатилган ҳудудларда шаҳарсозлик фаолиятининг тартибга солиниши, шаҳарсозликка доир қонун ҳужжатлари изчил назорат қилиниши фракциямиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Йиғилишларда фракция аъзолари, шунингдек, «Энергиядан оқилонга фойдаланиш тўғрисида»-ги, «Электрон ҳукуматни ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш

ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаларини ҳам қўриб чиқишди.

Депутатларнинг айтишича, «Электрон ҳукумат тўғрисида»-ги қонун лойиҳасида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш асосида давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, электрон давлат хизматларини кўрсатиш тартибларини мақбуллаштириш кўзда тутилган.

Шунингдек, бу электрон давлат хизматларининг сифати ва улардан фойдаланиш қулайлигини ошириш, процедураларни соддалаштириш ва хизмат кўрсатиш муддатларини қисқартириш, муайян маъмурий харажатларни камайитиришга хизмат қилади.

Давлат органларининг ахборот маълумотлар базаларини шакллантириш, давлат бошқарув тизимида «ягона ойна» принципини жорий қилиш, тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон тижорат тизимидан фойдаланиш имконини беради. Шу жиҳатдан олиб қарасак, қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир.

Фракция аъзоларининг тартибга солиниши билан билдирган фикр-мулоҳазалари ва хулосаларига асосан барча қонун лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ДЕПУТАТ БИЛАН СУҲБАТ

Давлат бюджетни ижроси

устидан парламент назоратини кучайтириш долзарб аҳамиятга эга



— Аввало, Давлат бюджетни ҳақида ва у қандай шаклланиши ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

— Ҳар қайси давлатда ялпи ички махсулот ва миллий даромад ҳўжа-лик субъектларининг фаолияти натижасида шаклланади. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида яратилган миллий даромад тақсимот ва қайта тақсимот босқичларидан ўтади. Охиригисада бюджетнинг алоҳида ўрни бор. Бюджет, миллий даромад қайта тақсимланаётганда унинг бир қисми пул шаклида бюджетга тушади ва шу орқали молиявий ресурсларнинг марказлашган жамғармаси ҳосил қилинади.

Бюджет давлат олдидаги вазифаларни молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларининг жамғарилиши ва сарф қилинишидир. Бюджет сиёсати эса мамлакатда макроиқтисодий барқарорлик, бюджет тизимидаги мувозанатни сақлаган ҳолда, давлат тасарруфидидаги маблағларни келгусида унинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида ўта самарадорлик билан ишлатиш, демекдир.

Айтиш кераки, тақдим этилган лойиҳалар иқтисодиётнинг изчил ўсишига, иқтисодий бақарорлигининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини ҳамда экспортнинг

Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлашиши, аҳолининг турмуш фаровонлиги билан бевосита боғлиқ бўлган 2016 йилги Давлат бюджетни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Фарход Умаров билан суҳбатлашдик.

ўсишини сақлаб қолишга ҳамда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. 2016 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техника ва технология жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш ва кенгайтириш, шунингдек, йўл-транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурларини фаол амалга оширишни давом эттириш назарда тутилган.

— Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат бюджетини режалаштиришда солиқ сиёсати алоҳида эътибор қаратилади. Чунки бу бевосита иқтисодиёт барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади. Шу маънода мамлакатимизнинг келгуси йилга мўлжалланган солиқ сиёсати қандай ўзгаришлар бўлади?

— Келгуси йил учун Давлат бюджетни лойиҳаси дунёда ҳукм сураётган мураккаб иқтисодий-иқтисодий вазият, хусусан, айрим яқин ҳамкорларимиз иқтисодиётида давом этаётган молиявий-иқтисодий инкироз шароитида шакллантирилганга қарамай, иқтисодий йўналтирилганлик хусусиятини сақлаб қолган. Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш ва либераллаштириш, бозор ислохотларини чуқурлашти-

риш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича олиб борилаётган фаол саяё-ҳаракатлар натижасида охириги бир неча йил давомида иқтисодиётга солиқ юки изчил камайиб бораётганга қарамай, Давлат бюджетни профицит билан ижро этилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, унинг даромад қисми тўлақонли бажариб келиняпти.

Бюджет лойиҳасининг таҳлилидан маълум бўлишича, 2016 йилда олиб борилаётган солиқ сиёсати ўтган йиллардаги каби ҳўжа-лик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юқини янада пасайтиришга, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бу соҳада маъмурий чораларни кучайтириш орқали ҳўжа-лик юритувчи субъектлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатни рағбатланти-

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзолари ижтимоий соҳага ажратилган Давлат бюджетни маблағларининг улуши оширилишига алоҳида эътибор қаратди.

ришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, 2016 йилда жисмоний шахслардан олинган даромад солигининг иккинчи погонаси бўйича солиқ ставкасини 8,5 фоиздан 7,5 фоизгача пасайтириш, ўрта даражадаги даромадга эга бўлган тўловчилар учун солиқ юқини 6,2 фоиздан 5,5 фоизгача камайитириш мўлжалланган.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирма ва

кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш ялпи ички махсулотдаги хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини 55 фоизга етказишга имкон беради.

Умуман олганда, ҳукумат томонидан солиқ сиёсати бўйича тақлиф этилган чораларнинг амалга оширилиши натижасида, 2016 йилда солиқ юки 2015 йилдаги ЯИМга нисбатан 19,2 фоиздан 18 фоизга, Давлат бюджетни даромадлари эса ЯИМга нисбатан 20,7 фоиздан 19,1 фоизгача камайиши кутилмоқда.

— Маълумки, ҳар йили мамлакатимизда Давлат бюджетни харажатларининг катта қисми ижтимоий соҳага йўналтириляпти. Келгуси йили бу масалага қандай ёндашиш кўзда тутилмоқда?

— 2016 йилги Давлат бюджетининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у биринчи навбатда, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган. Келаси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи тўловлари, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини инфляция даражасидан юқори миқдорларда ошириш давом эттирилади. Бу ўз навбатида, аҳоли реал даромадларининг ўсиши, шу орқали турмуш даражаси ва харид қобилиятининг янада ошишини таъминлайди.

Хусусан, Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа харажатлари 2015 йилда қўллаб-қувватланган 58,7 фоиз ўрнига, 2016 йилда 59,2 фоизгача қўлайитирилиши режа қилинган. Бу, шубҳасиз, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга, Халқ демократик партияси электорати манфаатларига хизмат қилади.

2016 йилда таълим харажатлари ўтган йилга нисбатан 16,6 фоизга ўсиб, ялпи ички махсулотга нисбатан 6,8 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, таълим муассасаларини жорий сақлаш харажатлари ялпи ички махсулотга нис-

батан 4,8 фоизни ташкил этиши таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Прогноз йилида соғлиқни сақлаш харажатлари ялпи ички махсулотга нисбатан 2,8 фоизни ташкил этиб, тизимга қарашли муассасаларнинг дори-дармон ва озик-овқат харажатлари 2015 йил учун тасдиқланган бюджетига нисбатан 1,15 баравар ўсиши кутилмоқда. Бу эса соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган дастурлар доира-сида барча тадбирларни молиялаштириш имконини беради.

— Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2016 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни лойиҳаси қўриб чиқилаётганда, сиёсий партиялар фракциялари ўз позицияси ва тақлифларини билдирди. Хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг Давлат бюджетни бўйича позицияси қандай бўлди?

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг аъзолари ижтимоий соҳага ажратилган Давлат бюджетни маблағларининг улуши оширилишига алоҳида эътибор қаратди.

Давлат бюджетининг даромадлари, улардан самарали фойдаланиш, айниқса, аҳолини иқтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бюджет маблағлари устидан парламент назоратини кучайтириш юзасидан тақлифлар билдирилди. Шундай қилиб, бюджет, ўзига асосий молиявий тоифалар (солиқ, давлат кредити, давлат харажатлари)ни муҳассамлаштириб, давлат молиявий тизимининг асосий бўғини ҳисобланган ва ҳар қандай замонавий жамиятда муҳим иқтисодий ва сиёсий ўрин эгаллайди.

2016 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига белгиланган асосий кўрсаткичлар мамлакатимизда инсон омили ва аҳолини иқтимоий ҳимоялаш масалаларига эътибор йил сайин ортаётганидан далолат беради. Бундай ишларнинг барчаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларига мос келади.

Лазиза ШОМИЛОВА суҳбатлашди.

■ ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ТАЪСИР КУЧИНИ НИМА БЕЛГИЛАЙДИ? У ИЛГАРИ СУРАЁТГАН ҒОЯЛАР, ТАШАББУСЛАРНИНГ ОДИЙ ОДАМЛАР ТОМОНИДАН ҚАНЧАЛИК ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАЁТГАНИМИ ЕКИ ЭЛЕКТОРАТ ТОМОНИДАН ЎРТАГА ТАШЛАНАЁТГАН ТАҚЛИФЛАР, МУАММОЛАРНИНГ ҚАЙ ДАРАЖАДА ЎРГАНИЛИБ, ҚАЛ ҚИЛИНАЁТГАНИМИ?

Ҳар бир партия ташкилоти

ҳамда депутатлик бирлашмаси дастурий мақсадларимиз ижроси йўлида қатъият билан ҳаракат қилмоғи керак

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгашида ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш доирасида шу каби саволлар атрофича муҳокама қилинди. Партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари раҳбарлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш хусусида фикрлашилди.

Йиғилиш аввалида вилоят партия кенгаши раиси Саида Жўраева вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини билан боғлиқ долзарб масалалар ижроси, бу жараёнларда партия фаоллари, депутатларнинг иштироки тўғрисида тўхтади.

— Ҳар бир сиёсий партиянинг асосий мақсади мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир. Бу партия дастурий мақсадлари ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун кураш асосида амалга оширилади, — деди у. — Шундан келиб чиқиб, партиямиз ҳам электорат билан ишлашда тўпланган тажриба асосида янги-янги ғоялар, лойиҳаларни илгари суриши лозим. Яна бир муҳим масала шундаки, бошланғич ташкилотлар мавжуд муаммоларни ўрганиши ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан тақлифларини юқори партия ташкилотларига тақдим этиши керак. Шу тариқа электоратнинг муаммолари босқичма-босқич бартараф этилади. Ана шу механизм илгари ва самарали ишласагина қўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Йиғилишда, шунингдек, партия ташкилотларининг депутатлар билан ўзаро ҳамкорлиги, партия Ҳаракат дастурига киритилган масалаларнинг ижроси, депутатлар олдида турган вазифаларга бағишланган масалалар қўриб чиқилди.

Партия фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим кўрсаткич ҳисобланган депутатлик сўрови механизми вилоят кенгашида анча фаоллашгани айтиб ўтилди. Жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига 86 депутатлик сўрови юборилган бўлса, шундан ҳозирги кунга қадар 67 таси ижобий ҳал этилган. Бу одамларни йўналтириб келаётган 67 масала ечим топди, шунинг орқасидан кўпчиликка енгиллик бўлди, дегандир. Энг муҳими, бу натижалар партия Сайловолди дастурида белгилаб олинганидек, ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Йиғилишда вилоят Кенгаши депутати Собир Қўрбонов аҳоли, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, бунда ёшлар қаноти ташаббусларини кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди ўтди.

— Бугун ёшларимизнинг ҳаётга қарашлари ўзгараётти, улар замон билан ҳамнафас яшашга интиляпти, — деди у. — Биз «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятини янада жонлантирган ҳолда, уларнинг ишжояти, ташаббускорлигини тўғри йўналтириш учун бир-биридан қизик ва фойдалли лойиҳаларни ишлаб чиқишимиз керак. Ёшлар билан ёшларга хос муомала қилиш, уларнинг тилини, дилини тушунишга интиласак, қизикувчанлигини, шадду шижоатини йўлга сола оламиз. Қайси маънодаки, улар юртнинг эртаси, уриб турган юраги бўлиши лозим.

Бундан ташқари, йиғилишда аҳолининг ижтимоий манфаатлари юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, партия тизимида ўтказилаётган сиёсий ўқулар самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, хотин-қизлар билан ишлашда замонавий-сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилди. Ҳар бир масала бўйича депутатлар, партия фаоллари ўз тақлифларини баён этишди.

Йиғилиш сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муниссон КАРИМОВА



■ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ 15 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА. УЛАРГА ТУШАЁТГАН ҲАР БИР МУРОЖААТ АТРОФЛИЧА ЎРГАНИЛИБ, ИЖОБИЙ ҚАЛ ҚИЛИНМОҚДА.



■ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВБАҲОР ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТОМОНИДАН ШУ ЙИЛНИНГ 9 ОЙИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҲЖАТЛАР, ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИНИ АҲОЛИГА ТУШУНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН 60 ДАН Ортиқ ДАВРА СУҲБАТИ ВА ТУРЛИ УЧ-РАШУВЛАР ЎТКАЗИЛДИ.

■ КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ



Инсонпарварлик ғояларига садоқат намунаси

Ўзбекистонда 2008 йилдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамият томонидан инсон қадр-қимматини улуғлаш, ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлида муҳим воқеа сифатида эътироф этилди.

■ Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир».

Мухбиримиз инсоннинг яшаш ҳуқуқи, яъни Ўзбекистонда жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариш бўйича қабул қилинган тарихий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳусусида Тошкент давлат юридик университети профессори Баҳром АҲРОРОВА бир қатор саволлар билан мулоқот қилди.

— Ҳамма нарса таққосланганда билинади. Шу ўринда ўтмиш ва бугунги кун қонунчилигини қиёслаб, улар ўртасидаги асосий фарқ тўғрисида маълумот берсангиз.

— Собик шўролар тузуми даврида Ўзбекистон ССР Жиноят кодексидаги 33 моддада ўлим жазоси кўзда тутилган бўлса, 1994 йил қабул қилинган янги мустақил Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида улар сони 20 тага қисқартирилди, 13 модда санкциясида ўлим жазоси назарда тутилган эди. Босқичма-босқич улар сони яна қисқартириб борилади. 1998 йилга келиб, ўлим жазоси назарда тутилган моддалар 8, 2001 йилда 4 тага, 2003 йилда эса 2 тага қисқартирилди.

2005 йил 1 августда Давлатимиз раҳбари тарихий ҳужжатга имзо қилди. «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармон эълон қилинди. Бу инсонпарварлик тамойилларига қатъий амал қилаётган мамлакатимизнинг фуқаролари конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Фармонга кўра, 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинади.

зоси жазо тури сифатида бутунлай бекор қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан олиб ташланди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасидаги бу ислохот жажон ҳамжамияти томонидан қизгин кутиб олинди ва маъқулланди. 2008 йил 5 январда матбуотда «Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши муносабати билан Словения раислигининг Европа Иттифоқи баёноти эълон қилинди».

Унда шундай сўзлар бор: Европа Иттифоқи Ўзбекистонда 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жазоси бекор қилинганини қизгин маъқуллайди. Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқини ушбу муҳим қарор билан самимий кутлаймиз. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматини ушбу қарорни тўла рўйбега чиқариш ҳамда суд тизимидаги ислохотларни бундан бўён ҳам изчил амалга оширишда қўллаб-қувватлайди. Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар ўлим жазосининг бекор қилиниши инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим омил бўлади, деб ҳисоблайди.

Европа Иттифоқи ўлим жазосининг бутун дунёда бекор қилинишига эришиш ўз фаолиятининг асосий мақсади эканини яна бир бор тасдиқлайди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши юқорида кўйд этилган мақсад йўлида қўйилган муҳим қадам, деб билади ва минтақадаги бошқа мамлакатлар ҳам бу борада Ўзбекистондан ўрнак олади, деб умид қилади.

Бу ҳужжат Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга берилган юқори баҳо ва эътирофдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ўта муҳим воқеа бўлди. Нуфузли хорижий экспертларнинг фикрича, ушбу ва бошқа чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон дунёда энг либерал жиноят қонунига эга бўлди.

Бинобарин, ҳуқуқ тизимида жиноят учун жазонинг оғир ёки енгиллиги эмас, унинг муқаррарлиги муҳим ҳисобланади. Қолаверса, ўлим жазоси маҳкум учун ҳеч қандай тарбиявий аҳамиятга эга эмас. Бу жазо инсонни ахлоқан тузатмайди.

Жиноий жазо — жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш, уни жамият учун хавфли ҳаракатлар содир этишдан тийиш, кейинги ҳаётини фойдаланишга бериш воситаси. Маҳкум жазони ўташ пайтида озолик ва инсон яшаши учун зарур бўлган бошқа ҳуқуқларнинг қадрига етади, керакли хулоса чиқарилади.

— Ўзбекистон мустақиллигининг қисқа даврида ўлим жазосидан бутунлай воз кечди. Ваҳоланки, кўпгина ривожланган демократик давлатлар қонунчилигида ўлим жазоси сақлаб қолинган... Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

— Шу ўринда бир гапни айтсам. Демократик давлат ўз фуқаросидан воз кечмаслиги керак. Ўлим жазоси жазо тури сифатида ўзини ҳеч қачон оқлаган эмас. Дунё таърибасида ўлим жазосини қўллашнинг жиноятчилиги қанчалирига умуман боғлиқ эмаслиги аллақачон исботланган. Аксинча, уни тайинлашда йўл қўйилган ҳаётлар орқали кўпга бегуноҳ инсонлар ҳаётдан эрта маҳрум қилинди. Собик шўролар тузумидаги қатагон йилларида ноҳақ ўлим жазосига ҳукм қилиниб, қанчадан-қанча юртдошларимиз асоссиз отиб ташланди. Анҷик ҳақиқат шунки, ўлим жазосининг адолатсизлиги аниқланса, уни ҳеч қачон тузатиб бўлмайди. У кейинчалик тузатиб бўлмайдиган жазо тури сифатида ҳам хавфли ва адолатсиздир.

Таъкидлаш кераки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу жазо туридан мутлақо воз кечиш ёки ижро қилишга мораторий қўллаш амалиёти мавжуд. Бугунги кунда ер юзидagi юздан зиёд мамлакатда ўлим жазосидан бутунлай воз кечилган ёки улар амалда қўлланилмайди. Шу жумладан, йигирмадан ортқ давлатда ўлим жазосига ҳукм этиш ёки уни ижро қилишга мораторий ўрнатилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрдаги резолюциясида ўлим жазоси борасида кўзда тутилидиган

асосий мақсад, бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозимлиги қайд этилган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддаси «Инсонпарварлик принципи» деб аталиб, унда жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини қўла-маслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги айтилган.

Қисқа қилиб айтганда, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони асосан 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатимизда инсон ҳаётининг дахлсизлиги ва унинг яшашига бўлган ҳуқуқи кафолатланди. Қолаверса, ушбу ҳужжат инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида нафақат халқимиз, балки жажон жамоатчилиги томонидан катта ҳайрихоҳлик билан кутиб олинди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро тамойил ҳамда Асосий қонунимизга мос келувчи энг мақбул йўл танланганининг яққол исботидир. Зеро, яшаш ҳуқуқи — энг олий ҳуқуқдир.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Равшан ШОДИЕВ суҳбатлашди.



ЧОДИР ВА КОНТЕЙНЕРЛАР

бошпана вазифасини бажаради

Финляндия маъмурияти Яқин Шарқ ва африкалик қочқинларга бошпана топишда қийинчилик юзга келгани боис эндиликда чодир ва контейнерлардан ҳам фойдаланишни мўлжаллаб турибди.

Финляндия Ички ишлар вазирлигидан олинган маълумотларга асосланиб «Associated Press» ахборот агентлиги хабар беришича, октябр ойида мамлакатга 7 мингга яқин қочқир кириб келган. Йил бошидан бери ҳисобланганда 27 мингдан ортқ қочқир мамлакатдан бошпана топан. Айни пайтда Финляндия қочқинлар сони бўйича Европада тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўтган йили умумий ҳисобда 3650 нафар муҳожир Финляндиядан кўним топан эди.



«Frontex» агентлиги маълумотларига қараганда, жорий йилнинг 9 ойида Европа Иттифоқи мамлакатларига 710 мингдан зиёд қочқир кириб келган. Айрим мамлакатларда бу рақам 800 мингдан ортқлиги қайд этилмоқда.

Сентябр ойида Европа Иттифоқининг адлия ва ички ишлар бўйича кенгаши қочқинларни иттифоққа аъзо мамлакатлар бўйлаб тақсимлаш масаласини кўриб чиққан бўлишига қарамай, Чехия, Венгрия, Руминия ва Словакия сингари давлатлар қочқинларни қабул қилишни хоҳламайпти.

Словения эса муҳожирлар кириб келишини тўхтатиш учун Хорватия билан чегара ҳудудида девор қуришга киришди.

ШАҲАР ҲАВОСИ ТАРКИБИДА

зарарли моддалар ортиб бормоқда

Куз-қиш мавсумида иссиқлик узатиш тизимларининг ишга тушиши натижада айрим шаҳарлар ҳавоси таркибида зарарли моддалар концентрацияси меъёрдан анча ортқ кетиши ҳар йили кузатиладиган ҳолат. Айни пайтда худди шундай вазият Хитойнинг Шаньян шаҳрида қайд этилган.

«The South China Morning Post» нашри хабар беришича, шаҳар ҳавосида зарарли зарралар миқдори йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрдан 40 марта ортқ кетган. Яъни атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи маҳаллий агентлик маълумотларига қараганда, 1 куб метр ҳавода диаметри 2,5 микрометр-гача бўлган зарарли моддалар концентрацияси минг микрограммга-гача етмоқда. Ваҳоланки, бу меъёр 25 микрограммдан ортмаслиги керак.

Автомобил тузуни, завод ва фабрикалар, истиш қозонхоналардан ҳавога қўтарилувчи мазкур



зарралар инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлиб, у нафас йўлларида бирор-бир түсика учрамай, тўғри ўпкагача бориши ва қонга сўрилиши тиббиётда исботланган.

Маълумки, Хитой шимолдаги куз-қиш мавсумида хонадонларга иссиқлик етказиб бериувчи иссиқлик электр станциялари кўмири ёқилишдан кенг фойдаланади. Бу эса шаҳарлар ҳавосига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

■ ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Канада:

САЙЛОВЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСINI ИФОДА ЭТАДИ

■ Жорий йилнинг 19 октябрь куни Канадада парламент сайлови бўлиб ўтди. Мажоритар тизими асосида ташкил этилган сайлов мамлакатдаги 338 сайлов округида ўтказилди. Мазкур сайлов Канада тарихида ўзига хос ўрин тутди. Чунки замонавий Канада тарихидаги энг узоқ давом этган сайловолди кампанияси айнан шу сайловга тўғри келди.

Канада парламенти икки палатали бўлиб, Сенат ва қуий палатадан иборат. Сенат 105 сенатордан иборат бўлса, қуий палатада 308 депутат фаолият олиб боради.

Парламент қуий палатаси етакчи орган ҳисобланади. Сенат камдан-кам ҳолларда қонун лойиҳаларини қуий палатага юборади. Асосан қирол қонун лойиҳаларини қуий палатага тақдим этади. Шундан кейин парламент уни қабул қилади. Жорий йилда ўтказилган сайловлар мамлакат тарихидаги қирқ биринчиси ҳисобланади.


Қуий палатага сайланган депутат 5 йил ишлади. Ҳар бир депутат фақат битта сайлов округидан ўз номзодини қўйиши мумкин. Парламент қуий палатаси 1867 йилда ташкил этилган.

Бугунги Канада сиёсий майдонда бир неча партия кураш олиб боради. Асосан ҳокимият учун кураш либерал, консерваторлар партияси ва Янги демократик партия ўртасида кечади. Бу йилги сайлов олди кампанияси даврида улар мамлакатни ҳар томонлама таракқий эттириш, иқтисодиётни янада ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муҳим ғояларни илгари сурди. Ҳар

бир сиёсий партиянинг ушбу масалаларда ўз йўналиши, ўз дастурий мақсадлари бор.

Мисол учун, қонунийлик ва тартибга жиддий амал қилишнинг ёқлайдиган Канада консерватив партияси асосий эътиборни фирмалар ва даромадга солинадиган солиқлар ҳамда давлат қарзини қисқатиришга қаратди. Шунингдек, бюджетнинг дефицитсизлигини таъминлаш ва ижтимоий сиёсатга алоҳида эътибор қаратди. Бундан ташқари, умуминсоний қадриятлар асосида миллий ўзлигини англаш масаласи ҳам партия илгари сурётган муҳим ғоялар қаторига киради.

2011 йилда ўтказилган сайловда қуий палатадан бор-йўғи 36 депутатлик ўрнига эга бўлган Канада либерал партияси бу сайловда ўз мафқурасини бир қадар янгилаш ва қучайтиришга ҳаракат қилди. 1867 йил 1 июлда ташкил этилган партия давлат «Провинциялар ҳуқуқлари» ҳимоячилари, эркин савдо ва Буюк Британияга нисбатан катта мустақиллик тарафдорларини қамраб олади. Кейинчалик мазкур партия аъзолари хабар бериш ва алоқа воситалари давлат иҳтиёрида қилиниши, ҳўжалик фаолиятида эса давлатнинг иштирокини камайти-



ришни талаб қилган. Бирок 1930 йилларда либерал партия янада фаол ижтимоий сиёсат юрита бошлади ва ишчиларга ёрдам, фермерларга субсидиялар ажратиш каби ғояларни илгари сурди.

Сайловдан олдин мазкур партия парламентда учинчи ўринда бораётган эди. 43 ёшли етакчи Жастин Трюдо иқтисодиётни ислох қилиш ва инфраструктура янада яхшилаш ғоясини илгари сурди.

Мамлакатдаги етакчи партиялардан яна бири — Янги демократик партия нисбатан ёш сиёсий куч бўлиб, 1961 йилда ташкил этилган. Ушбу партия 2011 йилда сайловчиларнинг 30,6 фоиз овозини қўлга кири-тиб, қуий палатада 103 депутатлик ўрнига эга бўлган.

Партия социал-демократия ғояларини илгари сурди. Томас Малхэ 2012 йил 24 мартдан бўён ушбу сиёсий партияга етакчилик қилиб келмоқда.


Бирок унинг етакчилигида Янги демократик партия мамлакат сиёсий майдонидида етакчилик қила олмапти. Сиёсий таҳлилчиларнинг фикрича, бу партия етакчисининг сайловчилар манфаатларини ифодалай олмаётгани билан боғлиқ. Ушбу партия қатор умуминсоний ғояларни ўз сайловолди дастурларида ифода этган.

Мисол учун, аҳолини тоза ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, камбағаллик-ни кескин камайтириш, солиқларни қисқартириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоат транспортига ажратилаёт-

ган маблағларни кўпайтириш, соғлиқни сақлаш, хусусан, стоматологияни ривожлантиришга давлат бюджетини катта мисдорда маблағ ажратиш, энг кам ойлик иш ҳақини ошириш, конституцияда белгиланган қонун-қоидаларга сўзсиз ривожлантириш таъминлаш масаласи Янги демократик партиянинг сайловолди дастуридан ўрин олган.

Умуман олганда, Канадада сиёсий партиялар мутлақо мустақил фаолият олиб боради. Штатлар миқёсида барча сиёсий партияларнинг қуий бўлими-ларига вакиллик қилувчи марказий кенгашлар, аёлларнинг партия ташкилотлари ва ёшлар ассоциациялари ишлайди. Мамлакатда барча партиялар расман ўз қараш, ҳаракатлари

■ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ТАШКИЛОТИ — ЮНЕСКО ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 70 ЙИЛ БЎЛДИ. ИНСОН ОНГИДА ТИНЧЛИК ҒОЯЛАРИНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ТУЗИЛГАН УШБУ ТАШКИЛОТ МАДАНИЙ-ГУМАНИТАР СОҲАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ДУНЁДА ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИССА ҚЎШИБ КЕЛМОҚДА.



■ ЎЗБЕКИСТОН ЮНЕСКОГА 1993 ЙИЛДА АЪЗО БЎЛГАН. 1996 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЮНЕСКО ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛГАН. ЎТГАН ЙИЛЛАРДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИҚДА ХАЛҚИМИЗ МЕРОСИНИ ТИКЛАШ, ЎРГАНИШ ВА АСРАБ-АВАЙЛАШ, ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ВА САНЪАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ЖУДА КЎП ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ.

ФУТБОЛ



Хасан ПИРМУХАМЕДОВ олган сурат.

ИРОДАЛИ ВА ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА!

2018 йили Россияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё минтақаси иккинчи босқич саралаш учрашувлари ўтказилди.

Мусобақанинг «Н» гуруҳида қатнашаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси навбатдаги учрашувда КХДР футболчиларига қарши майдонга тушди. Мазкур жамоаларнинг Пхеньянда ўтган дастлабки ўйинида ҳамюртларимиз рақибига 2:4 ҳисобида имкониятни бой берганди. Шу боис Тошкентдаги баҳс олдиндан ақсарият муҳлислар миллий терма жамоамиз ғалабасига ишончсиз қарашаётганди.

Гарчи бу ғалги баҳсда ҳам КХДР вакиллари учрашувнинг 3-дақиқасидаёқ ҳисобни очган бўлса-да, қолган дақиқаларда ирода намойиш этган футболчиларимиз рақиб дарвозасини уч бор ишғол этишнинг урдасидан чиқди. Аввалига 24-дақиқада **Игорь Сергеев** ўзини кўрсатиб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Танаффусдан сўнг, тажрибали **Александр Гейнрих** терма жамоамизни олдинга олиб чиққан бўлса, ўйин тугашига санокли дақиқалар қолганида терма жамоамиз сардори **Одил Аҳмедов** меҳмонлар дарвозабонини учинчи марта ранжитди — 3:1. Ушбу

ғалабадан кейин футболчиларимиз ўз ҳисобларидаги очколар сонини 12 тага етказиб, гуруҳдаги мавқеини мустаҳкамлаб олишди.

— Илк дақиқалардан оқол ўтказиб юбориб, қийин аҳволга тушиб қолгандик, — деди учрашувдан сўнг **Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Самвел Бабаян**. — Йигитларга раҳмат! Улар иродали ғалабани қўлга киритишди. КХДР футболчиларининг ўйинларини жиддий ўрганганимиз ва уларга қарши ўйланган режамизни беками-кўст бажарганимиз эвазига муҳим ғалабани қўлга киритдик. Албатта, стадионга келиб бизни қўллаб-қувватлаган барча муҳлисларга ҳам раҳмат айтаман. Бугун ёмғир ёғиши кутилганди. Шунга қарамай, стадионнинг ишқибозлари билан тўлиб-тошгани йигитларга катта куч бағишлади. Кейинги ўйинларда ҳам муҳлисларимиз ишончини оқлашга ва фақат ғалаба иштиёқида майдонга тушишга ҳаркат қиламиз.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда Филиппин футболчилари ўз майдонида Яман терма жамоасига ютқазиб қўйди — 0:1.

«Н» гуруҳидаги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	Очко
1. КХДР	6	4	1	1	10-5	13
2. ЎЗБЕКИСТОН	5	4	0	1	15-6	12
3. Филиппин	6	2	1	3	5-9	7
4. Бахрайн	5	2	0	3	7-7	6
5. Яман	6	1	0	5	1-11	3



Такимга кўра, гуруҳдаги навбатдаги учрашувлар 17 ноябрь куни бўлиб ўтади. КХДР футболчилари ўз майдонида Бахрайн терма жамоасини қабул қилса,

ҳамюртларимиз сафарда Яман вакиллари билан ўзаро куч синашади.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Хитойликлар билан савдо-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларимиз минг йиллар илгари бошланган.


Хитойда Фарғонанинг насли арғумоқлари

■ Хитойнинг шарқий савдо-сотик пойтахти деб ном олган Урумчида ЕМА корпорацияси бўлиб, унинг мўъжизалар майдонида айланган кўргазма боғларини ҳар йили минглаб сайёҳлар ҳайрат билан томоша қилади. Бу ерда олимлар ёшнинг 130 миллион йилга тенглаётган ўзга сайёралардан тушган комета тошлари қўйилган. Шакл-шамойили, ранги, таркиби жиҳатидан ҳалигача ер кўррасининг бирон-бир бурчагида бундай жисмлар учрамаган. Корпорация раҳбари Чен Жифеннинг ташаббуси туфайли ер юзига тушган самовий тошлар сотиб олинган ва шу ерда жамланган.

Иккинчи мўъжиза — тош даррактлар «ўрмони»дир. Худуди 5 гектардан зиёд майдонда ер кўррасининг барча қитъаларидан олиб келинган тош даррактлар ўзига хос кўргазмага айлантирилган. Уларни томоша қилар экансиз, табиатнинг ақл бовар қилмас кудратидан лол қоласиз.

— Олимларнинг фикрича, бу тошлар бир-бир ярим миллион йиллик ёшга эга, — дейди хитойлик ҳамкасбим, «Контимост» журналининг муҳбири Хэ Цзинь Хун. — Лекин корпорация мўъжизалари ҳали олдинда...

Биз сунъий шаршара, жасмин гуллари боғидан ўтиб, ёғочдан гоёт гўзал қилиб қурилган ҳашаматли бино олдида чикдик.



— Бу ЕМА корпорациясининг отхонаси, — деди ҳамроҳим. — Гап шундаки, бу ерда дунёнинг энг насли отлари боқилади. Уларнинг ақсарияти сизнинг юртингиз Ўзбекистондан, Фарғонадан келтирилган.

Ҳар бир арғумоққа нақшинкор эшикли алоҳида хона, уч-тўрт эшик олдида биттадан отбоқар.



— Урумчи ва Пекинда корпорация отхоналари бор. Бу ерда энг наслдор 90 от боқилади. Уларнинг 40 таси Фарғона арғумоқлари наслидан бўлиб, хали тойлигидеёқ Ўзбекистондан олиб келинган. Пекинда эса яна 15 шундай от бор.

Фарғона насли отларининг Хитойга олиб келиниши аслида янгилик эмас. Хитой тарихий манбаларида қайд этилишича, эраимиздан аввалги II асрда Хитой императори У Ди душманларга қарши курашда тарафдорларни топиш ва қўндириш мақсадида элчи Жан Ченни мамлакат шарқига сафарга юборди. У ватанига қайтган (эраимиздан аввалги 138-126 йиллар) Фарғона водийсида бўлгани (ўша пайтда бу водий Довон деб аталган), бу ерда 70 дан зиёд хунармандчилик ривожланган шахар-қишлоқлар борлиги, мевалари ширин-шакарлиги, матоғарлик ривожлангани ҳамда оёқлари узун, гоёт учкур ва гўзал насли отлар борлиги ҳақида императорга хисобот беради. Ўша даврдаёқ элчи узум кўчати билан бирга бир неча арғумоқларни қарвонга қўшиб олиб кетган эди. Шундан буён Хитойда юртимиз отларига ихлос юқори.

Муҳаммаджон ОБИДОВ
Пекин — Урумчи — Тошкент.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» MЧЖ

2015 йил 17 декабрь куни бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очiq аукцион савдоларини ўтказлади.

Аукцион савдолари Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидаги 1994 й. й.ч. д/р 01/943УАА, бошлангич нархи 25 874 432 сўм бўлган «ИВЕКО-М29» русумли Тошкент ш., Юнусов тумани, Халқобод кўчаси, 8-уйда жойлашган Давлат гедезия назорати инспекцияси балансидаги 1998 й. й.ч. д/р 01/644СА, бошлангич нархи 14 699 000 сўм бўлган «Нексиа» русумли автотранспорт воситалари ҳамда Тошкент вил., Зангиота тумани, «Юнусовод» қишлоқ кенгаши, «Дархон» қишлоғи манзилда жойлашган «DAVLAT BELGISI» ДИЧЕ Тошкент Қозғ фабрикаси балансидаги 1999 й. й.ч. бошлангич нархи 6 452 900 сўм бўлган «БП-8С» русумли автомобилларга ёқили қўйиш контейнер блок пункти қўйлади.

Талабгорлардан буюртмаларнинг қабул қилиш, расмий иш кўнларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун, мулк бошлангич нархининг қамиди 20 фоизи миқдоридagi закатлат пули, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS

SAVDO» МЧЖнинг АТМБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 хисоб рақамига тўланади.

Савдо солибига савдо кунидан олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатлат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тўзигунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур мол-мулклар юқорида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари улар сотилгунга қадар навбатдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу мол-мулкларга қўйиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қўйда кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шўх кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Махлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари:

телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUS.MCHJ@mail.ru, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2015 йил 29 октябрь куни ўтказилган аукцион савдоси натижаларига кўра, «Ўзэкспомарказ» АЖ МКК балансидаги д/р 01/489ФВА бўлган «ГАЗ-5201» 3 900 000 сўмга сотилганлиги ҳамда Ирригация хўжалигини ва қўқаламзорлаштириш объектларини таъмирлашга ихтисослаштирилган бошқарманинг 2015 йил 9 ноябрдаги 264-сонли хатига асосан, д/р 23-77ЕК бўлган «ТТЗ-80-10» русумли трактор — қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда д/р 01/491САА бўлган «КАВЗ-3270» д/р 01/490САА бўлган «ЗИЛ-130 АЦ-40» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки улушлари бўйича газетанинг 2015 йил 2 ноябрь, 128-сониди берилган эълондаги «2015 йил 1, 3, 8 ва 10 декабрь кунлари» сўзлари «2015 йил 1, 3, 10 ва 15 декабрь кунлари», деб ўқилсин.

ГУВОХНОМА №005357

AVTOSALON «SARDOR AVTO INVEST»



Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТНАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ
Манзил: Тошкент ш., Амир Темури шўх кўчаси, 110-уй.
Мўлжал: Телевизион минора қаршисида.
Телефонлар: (+998 71) 212-08-70, (+998 95) 177-01-17, (+998 95) 194-34-51.
www.sardor-avto.uz
Махсуслотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

«Uzgumi» — янги ва самарали биоўғит

Республика Савдо-саноат палатаси «TBS GROUP» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси билан ҳамкорликда миллий инновацион ишлашма — қишлоқ хўжалигида кенг қўллаш учун мўлжалланган «Uzgumi» биоўғити ва ундан фойдаланиш самараларига бағишлаб илмий-амалий семинар ўтказди. Унда қишлоқ ва сув хўжалиги, иқтисодиёт вазирликлари, қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, фермерлар кенгаши мутахассислари, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимлари, БМТ Тараққиёт дастури ва Халқаро молия корпорацияси вакиллари иштирок этди.

Семинарда «TBS Group» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқилган «Uzgumi» биоўғити ва унинг самарали хусусиятлари ҳақида фикр юритилди. Ушбу биоўғит ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши тезлаштиради, бошқоқ ва меваларнинг етилиш муддатини қисқартиради. Аини пайтда биоўғит мамлакатимиздаги олтинга илмий-тадқиқот институтида синовдан ўтказилди. Фалла ва дуқакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти томонидан Андижон ва Тошкент вилоятларида бир қанча назорат тадқиқотлари олиб борилади. Ҳар бир вилоятда таълаб олинган экин майдонидида «Uzgumi» биоўғити синаб қўйилди. Бунинг самарасида Андижон вилоятда кузги бугдой етти кун ва Тошкент вилоятда тўққиз кун эрта пишиди. Бундан ташқари, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам ошди.

«Uzgumi» биоўғити мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган, хориждан келтирилмаган «Гуммакс», «Эдагум СК» гумин моддаларидан кимёвий таркиби бойлиги, нархининг арзонлиги (3,2 барабар) билан ажралиб туради, — дейди «TBS GROUP» масъулияти чекланган жамияти бош директори Мўмина Абдуқодирова. — Ушбу препарат ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштирувчи восита бўлиб, адоптоген, антидот ва иммуномодулятор хусусиятига ҳам эгадир. Шу билан бирга, у экологик жиҳатдан тоза, инсон саломатлиги учун хавфсиз, барча кимёвий препаратлар билан қўшиб ишлатишга қулай биоўғит ҳисобланади.

Семинарда қишлоқ хўжалигида «Uzgumi» биоўғитини қўллашни янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОБ-ХАВО	14-15.11 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°С)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
0 / +5	+5 / +10
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+3 / +8	+10 / +15
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+4 / +9	+10 / +15
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+5 / +10	+13 / +18
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+4 / +9	+10 / +15
Тошкент шаҳри	
+4 / +6	+10 / +12

Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Утбосар Абдиева турмуш ўртоғи **ГУЛШОДА** онанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ZAHIRA INVEST» МЧЖ жамоаси «Фарғона гўшт-сут савдо» АЖ ХУБ директори ўринбосари, меҳнат фахрийси **Венерахон БУРАНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
10499
nuxsada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 23.45
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardamбек SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

